Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 2 СЕНТЯБРЬ, ЖУМА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 184 (13.247)

Баҳоси эркин нархда

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, таниқли жамоат арбоблари, ишбилармон ва академик доиралар вакилларидан самимий қутловлар келиб турибди. Уларда давлатимиз раҳбарига бахт-саодат ва муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик-омонлик, доимий равнақ ҳамда фаровонлик каби эзгу истаклар изҳор этилган.

Қуйидагилар ўз табрикларини йўллашган:

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби – **Пан Ги Мун**

Иордания Подшоҳи – **Абдуллоҳ Иккинчи**

Испания Қироли – **Фелипе VI**

Нидерландлар Қироли – **Виллем-Александр**

Таиланд Қироли – **Пумипон Адулядет**

Бруней Доруссалом Султони – **Ҳожи Ҳассанал Болкияҳ**

Корея Республикаси Президенти – **Пак Кин Хе**

Рим-католик черкови раҳбари – **Папа Франциск**

Латвия Республикаси Президенти – **Раймондс Вейонис**

Швейцария Конфедерацияси Федерал Президенти – **Йоханн Шнайдер-Амманн**

Греция Республикаси Президенти – **Прокопис Павлопулос**

Руминия Президенти – **Клаус Йоханнис**

Эрон Ислом Республикаси Президенти – **Ҳасан Руҳоний**

Миср Араб Республикаси Президенти – **Абдулфаттоҳ ас-Сиси**

Вьетнам Социалистик Республикаси Президенти – **Чан Дай Куанг**

Австралия Генерал-губернатори – **Питер Косгроув**

Арманистон Республикаси Президенти – **Серж Саргсян**

Қирғизистон Республикаси Президенти – **Алмазбек Атамбоев**

Япония собиқ Бош вазири – **Йоширо Мори**

"Боинг – фуқаро самолётлари" компанияси президенти ва бош ижрочи директори, "Боинг" корпорацияси вице-президенти – **Рэймонд Коннер**

"КОГАЗ" Корея газ корпорацияси президенти ва бош ижрочи директори – **Ли Синг Хун**

"Лотте Груп" раиси – **Шин Донг Бин**

"Шиндонг Энерком" компанияси раиси, "Корея – Ўзбекистон" дўстлик ассоциацияси раиси – **Ким Юн Сук**

"Хюндай Инжиниринг" президенти ва бош ижрочи директори – **Ким Ви Чул**

Германия – Ўзбекистон ишбилармонлар кенгаши раиси, "КЛААС" компанияси раҳбари – **Ян-Хендрик Мор**

"ЛЕМКЕН" компанияси ижрочи директори – **Антони ван дер Лей**

Жаҳон Бухоро яҳудийлари конгресси президенти – **Лев Леваев**

"Сока Гаккай Интернэшнл" президенти – **Дайсаку Икеда**

БМТ Бош котибининг махсус вакили, БМТнинг Марказий Осиё учун Превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази раҳбари – **Петко Драганов**

БМТнинг Ўзбекистон Республикасидаги доимий вакили – **Стефан Приснер**

Британия Кенгаши ижрочи директори – **Киран Дивейн**

Британия – Ўзбекистон дўстлик жамияти раиси – **Хартли Бут**

Европа халқаро муносабатлар институти президенти – **Ирнерио Семинаторе**

Бремерхафен университети ректори, профессор – **Петер Ритценгофф**

Қутловлар келиши давом этмоқда.

Ватан ҳимояси – муқаддас бурч

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси, Ёнғин хавфсизлиги олий техника мактаби ва Тошкент олий ҳарбий-техника билим юртида биринчи босқич курсантлари ва тингловчиларининг қасамёд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди.

КУРСАНТЛАР ҚАСАМЁД ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ушбу тантанали тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Ички ишлар вазирлиги, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосари А.Мирзаев ва бошқалар мустақиллик йилларида мамлакатимиз ички ишлар органлари тизимида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш, жамоат хавфсизлиги ва фуқаролар осойишталигини ҳимоя қилиш борасида юқори самарали тизим яратилди. Соҳа учун малакали мутахассислар тайёрланмоқда. Бунда давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 19 июндаги "Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони муҳим омил бўлиб, шу асосда ички ишлар идоралари учун кадрлар тайёрлаш тизими тубдан ислоҳ қилинди.

Бу вазифалар ижроси Ички ишлар вазирлиги академияси, Ёнғин хавфсизлиги олий техника мактаби ва Тошкент олий ҳарбий-техника билим юртида самарали йўлга қўйилган.

Ватанимиз, халқимиз ва Президентимизга содиқ бўлишга қасамёд қилган биринчи босқич курсант ва тингловчилари қалбини ҳис-ҳаяжон қамраб олди. Негаки, уларнинг ҳаётидаги ушбу муҳим воқеа Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги байрамига тўғри келгани боис алоҳида аҳамиятга эгадир. Навқирон йигит-қизлар Ватанимизга садоқат билан хизмат қилиш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, давлатимиз ва жамиятимиз хавфсизлигини таъминлаш бўйича ўз бурчини шараф билан адо этишга қасамёд қилди.

– Шундай унутилмас кунда қасамёд қабул қилиш биз учун катта шараф, – дейди Ички ишлар вазирлиги академиясининг биринчи босқич тингловчиси Афзал Раҳматуллаев. – Мақсадим, танлаган касбимни чуқур ўрганиш, Ватанимиз ва халқимизга садоқат билан хизмат қилишдир.



ЎзА олган суратлар

Тадбир иштирокчилари тингловчи ва курсантларни табриклаб, Ватанимиз ва халқимизга сидқидилдан хизмат қилиш, қунт билан ўқиш, ўз хизмат бурчини бажаришда мард ва жасур бўлишга чақирди.

Р.БОНДАРЧУК,
ЎзА мухбири

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Кармана туманидаги 8-умумтаълим мактаби ўқувчилари янги ўқув йилини янги бинода бошлайди. Қарийб 1 миллиард 440 миллион сўм маблағ эвазига барпо этилган янги бино замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланди. Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан мактаб қошида замонавий спорт залининг бунёд этилгани ўқувчиларнинг ҳар томонлама баркамол улғайишида муҳим омил бўлади.

● Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юртида жорий ўқув йилида ўқишга қабул қилинган курсантларнинг ҳарбий қасамёд қилиш маросими ўтказилди. Тадбирда Мудофаа вазирлиги ва Жанубий-ғарбий махсус ҳарбий округ қўмондонлиги масъул ходимлари, билим юрти офицер ва сержантлари, курсантлар ва уларнинг ота-оналари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

● Навоий шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли 2-оилавий поликлиниканинг янги биноси фойдаланишга топширилди. Соғлом она ва бола йилида 2 миллиард 500 миллион сўм маблағ эвазига барпо этилган муассаса 250 қатновга мўлжалланган. "Жавоҳир-Навоий" масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан бунёд этилган маскан "Саломатлик-3" лойиҳаси асосида замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланган.

● Наманган вилоятининг Уйчи туманида "Қизил Ровот-2" насос станцияси ишга туширилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Осиё тараққиёт банки ҳамкорлигидаги "Фарғона ва Зарафшон водийлари сув ресурсларини бошқариш" лойиҳаси доирасида барпо этилган "Қизил Ровот-2" насос станцияси ҳудудда қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

ЖАҲОНДА

● Кеча Аляскада икки енгил самолётнинг тўқнашиб кетиши натижасида беш киши ҳалок бўлди.

● "Лайонрок" тўфонининг Приморьега ҳуружи натижасида 33 та қишлоқдаги 1300 га яқин хонадонни сув босди. Ҳозирда бу ердан юзлаб кишилар хавфсиз жойларга кўчирилди. Тўфон муносабати билан ўлкада фавқулодда вазият эълон қилинди.

● Бельгия маъмурияти хавфсизлик чоралари бўйича мамлакатга келган 20 мингдан ортиқ қочқинларни текширувдан ўтказди. Бироқ уларнинг орасида террорчилар топилгани йўқ.

Мустақиллик йилларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка берилган эътибор туфайли ўзимизда тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти янада кенгайди. Мамлакатимизда пахтани ўзимизда қайта ишлаб, тайёр маҳсулотга айлантирувчи корхоналар сони кўпайди.





Ислоҳотлар оқимида

ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ КЕНГАЙМОҚДА

"Ўзбекенгилсаноат" компаниясидан олинган маълумотга таяниб айтганда, бугунги кунда улар сони 250 дан ошиб кетди.

Биргина, Яккасарой кичик саноат зонасида бугунги кунда 200 дан ортиқ корхоналар самарали иш олиб бораяпти, уларнинг 50 дан ортиғини тўқимачилик ва тикувчиликка ихтисослашган корхоналар ташкил этади. Арзон ижара тўлови, жойнинг яхши жойда жойлашуви, банк, нотариал идоралар билан боғлиқ масалаларнинг бир жойнинг ўзида ҳал этилиши каби қулайликлар тадбиркор учун кенг имкониятни вужудга келтирди.

Кичик саноат зонасида ўз фаолиятини жадал ривожлантириб, маҳсулотини юз фоиз экспорт қилаётган корхоналар ҳам талайгина. Ана шулардан бири тайёр трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган "KONTEKS-TASHKENT" масъулияти чекланган жамиятидир. Корхона 2007 йил июль ойида ташкил этилганлигини инобатга олсак, қарийб ўн йилдан бери "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" ёрлиғи остида ўз маҳсулотларини хориж давлатларига экспорт қилаяпти.

– Бошида 70-80 та ишчи билан иш бошлаган корхонада бугунги кунга келиб 270 га яқин ишчи меҳнат билан банд, – дейди корхона раҳбарининг ишлаб чиқариш бўйича ўринбосари Воҳид Эргашев. – Кўриб турибсиз, четдан келтирилган замонавий технологиялар иш унумини оширмоқда. Бир ойда бир млн. дона атрофида тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятимиз бор.

Аввало, маҳсулот мутахассислар томонидан ишлаб чиқаришга рухсат этилгач, кесим бўлимида керакли ўлчамда қирқиб олинади, ундан сўнг назорат остида тикувчиларга узатилади, тикилган маҳсулот тайёр бўлгач, дазмоллаш бўлимига ўтиб, охирида қадоқланади.

Цехларни айланиб юриб, завқ-шавқ билан тикув машиналарида мато тикаётган, уларни тайёр маҳсулот ҳолатига келтираётган қизларнинг қўлиқўлига тегмаётганини кўрдик.

– Қўлимда 28 нафар қиз ишлайди, – дейди цех устаси Муҳаббат Зиёдова. – Тикувчиликка қизиқишим туфайли ўз ишимнинг устаси бўлиб етишдим. Қизларга ўлчамларни кўрсатиб, сифат меъёрлари ҳақида маслаҳат бераяпман.

– 2014 йилда 5 млн. 686 минг долларлик маҳсулот экспорт қилдик, – дея сўзини давом эттиради раҳбар ўринбосари Воҳид Эргашев. – Бошида хом ашёни олиб келардик, ҳозир уни ўзимизда чиқараяпмиз. Ўтган йилдан корхонада тайёр кийимга расм босиш ускунасини олиб келиб ўрнатдик. Илгари бу ишни бошқа корхоналарга буюртма берган ҳолда бажарардик.

– 268 нафар ишчининг 80 нафарини коллежни битириб келган ёшлар ташкил этади, – дейди кадрлар бўлими ёрдамчиси Зарифа Баратова. – Коллеж битирувчиларини аввало, мутахассислиги, лаёқатига қараб ишга қабул қиламиз.

Корхона давлатимиз томонидан яратилган имтиёзлардан фойдаланади.

Жорий йилда шу кунга қадар корхонада 45 та янги иш жойи ташкил этилди. Банк кредити ҳисобидан текстиль бўёғи ишлаб чиқарадиган янги ускуна ўрнатилди, қўшимча тикув дастгоҳлари сотиб олиниб, ишлаб чиқариш кенгайтирилди.

Умуман олганда контексда йил сайин ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳияти ортмоқда. Бунинг барчаси мустақиллик шарофати, юртимиздаги тинчлик барқарорликнинг шукронасидир.

З.ШАРИФЖОНОВ

ҚИШГА ТАЙЁРГАРЛИК – ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Тошкент шаҳрида иссиқлик таъминоти тизимларини таъмирлаш ва модернизация қилиш ишлари давом эттирилмоқда. Иссиқлик энергияси сарфини тежаш мақсадида эскирган иссиқлик тармоқлари алмаштирилиб, қозон ва насос ускуналари таъмирланмоқда.

Пойтахтимизда марказий иссиқлик таъминоти тизимига уланган 13 мингдан зиёд бино мавжуд. Президентимизнинг 2016 йил 10 июндаги Республика иқтисодиёти тармоқлари ва ижтимоий соҳаларни 2016-2017 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга комплекс тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори ижроси доирасида ҳозирги кунда иситиш мавсумига тайёргарлик кўриш ишлари қизғин бормоқда.

"Тошиссиққуввати" унитар корхонаси ишлаб чиқариш бирлашмасидан маълум қилишларича, шаҳар иссиқлик таъминоти тармоқларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш ишларини назорат қилиш тизими такомиллаштирилмоқда. Жорий йилда барча иссиқлик тарқатиш марказлари, маҳаллий қозонхона ва иссиқлик тармоқлари ускуналари ҳолати ўрганиб чиқилди. Олинган маълумотлар асосида иссиқлик таъминоти тизимларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва уларни модернизация қилишга қаратилган тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Бу борада маҳаллий қозонхоналар фаолиятига алоҳида эътибор қаратилган. Чунки пойтахтимиздаги бир неча туманларнинг иссиқлик таъминоти айнан маҳаллий қозонхоналар фаолиятига боғлиқдир. Бунда маҳаллий қозонхоналардаги эски иситиш қозонларини ресурс тежайдиган замонавий ускуналарга алмаштириш устувор вазифа этиб белгиланган. Айни пайтда олтита қозон янгисига алмаштирилиб, 10 қозон капитал таъмирланди, 379 қозонхонада жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Иссиқлик энергиясини ташишда унинг сарфини камайтириш мақсадида 23,1 километрлик иссиқлик тармоқлари қайта ётқизилди. Бундан ташқари, 387,2 километрлик иссиқлик тармоқлари канали капитал таъмирланди, 80,5 километрлик ҳаво иссиқлик тармоғи қувурларининг иссиқлик изоляцияси қайта тикланди, 4 насос станциясида капитал таъмирлаш ишлари якунланди.

Энергия ва ресурс тежаш мақсадида Мирзо Улуғбек, Чилонзор, Олмазор ва Юнусобод туманларида кўп қаватли турар жойлар, таълим ва мактабгача таълим муассасалари, спорт ва ижтимоий объектлар уланган маҳаллий кичик қозонхоналарни қуриш ишлари давом эттирилмоқда. Биноларни иситадиган ягона иссиқлик комплекси бўлган ушбу қозонхоналар бевосита иситиладиган объектлар яқинига жойлаштирилмоқда.

Сув иситадиган барча асосий ускуналар мамлакатимизда ишлаб чиқарилган. Замонавий энергия ва ресурс тежайдиган қозонлар сув ҳароратини белгилаш ва бошқариш, об-ҳаво ўзгаришига қараб уни ўзгартириш имконини берадиган аниқ ўлчов мосламалари билан таъминланган. Бу иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш ва узатишда сарфланадиган газ, электр энергияси ва сувни тежашга хизмат қилмоқда.

"Тошиссиққуввати" унитар корхонаси ишлаб чиқариш бирлашмасининг туман бошқармалари томонидан иссиқлик тармоқларидаги носозликларни бартараф этиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Авария-қутқарув бригадаларининг моддий-техник базасини яхшилаш, уларни замонавий ускуналар, материал ва техника билан таъминлаш муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади. Ҳар бир туманда носозликларни тезкор бартараф этиш учун барча зарур ускуналар билан таъминланган ва куну тун ишлайдиган авария-қайта тиклаш бригадалари фаолият юритмоқда. Шунингдек, иссиқлик тармоқларидаги носозликларни аниқлаш ва бартараф этиш, қидирув вақтини қисқартириш мақсадида иссиқлик сирқиб кетиш жойларини аниқлайдиган кўчма лаборатория ишламоқда.

Коммунал хизматлар кўрсатиш сифатини яхшилаш аҳоли фаровонлигини юксалтиришнинг муҳим жиҳатларидан биридир. Пойтахтимиз иссиқлик таъминоти тизимини модернизация қилиш ва унинг самарадорлигини ошириш шундай эзгу мақсадга қаратилган.

(ЎзА)

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Чилонзор туман Кенгаши томонидан ўсиб келаётган ёш авлодни давлат ҳокимияти органлари тизими ва фаолияти билан яқиндан таништириш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида Жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман судига ташрифи ташкил этилди.

ҲУҚУҚИЙ БИЛИМЛАРИ ОШИРИЛДИ

Туманда жойлашган умумтаълим мактабларининг "Камолот" етакчилари, Ҳаракат фаоллари, туман Кенгаши ходимлари, Сардорлар Кенгаши аъзолари қатнашган тадбирда дастлаб иштирокчилар учун жиноят ишлари бўйича туман суд масъул ходимлари томонидан суд биноси бўйлаб саёҳат ўтказилди. Саёҳат давомида иштирокчиларга суд тизимидаги ходимларнинг фаолият олиб бориш тартиби тўғрисида маълумотлар берилди.

Ёшлар Жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман суди судяси раислигида кўрилган очиқ суд мажлисида иштирок этишди.

— Ўқувчиларнинг давлат ҳокимияти органлари тизими ва фаолияти билан яқиндан таништириш ҳамда ҳуқуқий билимларини янада мустаҳкамлаш мақсадида уюштириладиган бу каби ташрифлар демократик ҳуқуқий давлат ва очиқ фуқаролик жамияти қуриш йўлида ёшларнинг ўрни ва ролини кучайтиришга хизмат қилади, — дейди "Камолот" ЁИҲ Чилонзор туман Кенгаши раиси Баҳодир Зиёвиддинов.

Ташриф давомида Жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман суди ходимлари билан давра суҳбати ташкил этилди. Учрашувда ёшларга бугунги кунда мамлакатимизда судлар фаолиятини ривожлантириш, моддий техник базасини яхшилаш борасида яратилган шароитлар тўғрисида маълумот бериб ўтди. Савол-жавоблар давомида ўқувчи-ёшлар ўзларини қизиқтирган маълумотларга эга бўлишди.

Зиёда РАСУЛОВА

КИЧИК БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙЎЛИДА

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли иқтисодий ислоҳотлар натижасида Ўзбекистон собиқ Иттифоқ таркибидаги асосан пахта хом ашёси етказиб берадиган, аҳолисининг ҳаёт даражаси энг қолоқ республикадан кўп қиррали иқтисодиётга эга бўлган замонавий давлатга айланди. Халқаро миқёсда кенг эътироф этилаётган мамлакатимиз банк-молия секторидаги барқарорлик кўрсаткичлари ҳам пухта ўйланган иқтисодий сиёсатнинг самараларидан биридир.

Ўтган 25 йиллик тараққиёт таҳлили шуни кўрсатадики, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, корхоналар рақобатбардошлигини ошириш, экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган корхоналарни қўллаб-қувватлаш, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятидаги иштирокини ҳар томонлама рағбатлантиришда банк тизимининг ҳиссаси муттасил равишда ортиб бормоқда.

Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган анжуманда "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш борасида "Қишлоқ қурилиш банк" томонидан амалга оширилаётган ишлар" муҳокама қилинди.

Қайд этилдики, банк аҳоли фаровонлигини ва бандлигини таъминлашда муҳим ўрин тутаётган хусусий секторни молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда ва бу мақсадларда ажратилаётган кредитлар қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, кичик бизнес субъектларининг бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ҳисобига янги иш ўринлари яратиш ҳамда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга хизмат қилмоқда. Банк томонидан намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилиши давлат дастури доирасида Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки каби хорижий молия институтлари имтиёзли кредит линиялари билан бир қаторда тадбиркорлик субъектларининг хорижнинг энг илғор техника ва технологияларини жорий этишни, рақобатбардош ва замон талабига жавоб берадиган миллий маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кўзда тутадиган инвестициявий лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида хорижий валютадаги имтиёзли кредит линияларини ҳам кенг жалб қилиб келмоқда.

Матбуот анжуманида АТБ "Қишлоқ қурилиш банк" томонидан амалга оширилиши кўзда тутилаётган истиқболли лойиҳалар, банк фаолиятининг келгусидаги асосий йўналишлари бўйича маълумотлар берилиб, журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

(Ўз мухбиримиз)

ҲУНАРИ ГЎЗАЛЛАР

Мамлакатимизда дунё илму фан ютуқларини пухта ўзлаштираётган, интеллектуал салоҳияти юқори, халқаро танловларда ғолиблик шоҳсупасининг энг юксак поғоналарини банд этиб, мустақил Ўзбекистонимиз довруғини ёймоққа қодир бўлган ёш авлод вояга етаяпти. Уларнинг кўзларида келажакка ишонч, қалбида аниқ мақсадлар, юзларида ҳаётидан мамнунлик жўш уриб турибди.

Мирсаид ёғоч ўймакорга шогирд тушганида тўққиз ёшда эди. Устози уста Истам Исломов қўлида ўрганди, изланди. Кўп ўтмай, ўзи ҳам кичик-кичик буюмлар ясашни, уларга ўйма нақшлар солишни бошлади.

– Мамлакатимизда биз ёшлар учун Президентимиз раҳнамолигида яратилган шароитларнинг адоғи йўқ, – дейди Мирсаид Ғаниев. – Биз чиндан ҳам бахтиёр авлодмиз. Мустақил юртда, давлатимиз раҳбарининг беадоқ меҳри, нурли умиди тафтидан баҳра олиб улғаймоқдамиз. Илм-фанда, санъатда, спортда ва ҳаётимизнинг бошқа қатор жабҳаларида эришаётган ютуқларимиз замирида мана шу эътибор ва ғамхўрлик мужассам эмасми, аслида?

2013 йилда ўтказилган "Ташаббус" кўрик-танловининг туман босқичида 13 ёшли Мирсаид "Энг ёш ҳунарманд" номинацияси ғолиби бўлди. Бундай ютуқ уни янги марралар сари ундагани рост. Бу вақтга келиб ёғочдан лаган, қути, қаламдон, лавҳ каби буюмларни чизиш ва унга пардоз беришни яхшигина ўзлаштириб олган эди. Эътирофдан руҳланиб, ёғочдан ясаладиган буюмлар йўналишида янги қирра яратди. Яъни йирик буюмлардан ортиб, шу вақтга қадар кераксиз дея, ташлаб юборилган ёғоч бўлакларидан тумор ва бошқа буюмларни ясашни йўлга қўйди.

– Биз асосан ёнғоқ дарахтидан фойдаланамиз, – дейди ёш ҳунарманд. – Ёнғоқ танаси узоқ муддат қуритишга олиб қўйилади. Кейин бир ой тўқ ва ялтироқ рангга киргунча қайнатилади. Ёғочнинг табиийлигини сақлаш, узоқ муддатга чидамли ҳамда фусункор бўлиб туриши учун унга ҳеч қандай бўёқ ишлатилмайди. Нақш нусхаси аввал қоғозга, сўнг қоракуя билан тахтага туширилади. Энг чиройли нақш икки, баъзан уч қатлам қилиб тайёрланади. Шунинг учун ҳам ниҳоятда чиройли чиққан, ҳар бир ўйма нақш замирида рамзий маъно яширинган бўлади. Шундан кейин пардозлаш бошланади. Қисқаси, елим ва михсиз санъат асари яратилади. Шундай вақтлар бўладики, туни билан ишлаб чиқамиз. Масалан, лаганларни ясаш учун бир ой, стол-стул, қаламдон ва шу каби буюмларга бир-икки ҳафта сарф этилади. Ишимиз якунланиб, буюм тайёр ҳолга келганда чарчоқларимиз унутилади.

Мактабни битириш арафасида қайси касб-ҳунар коллежида таҳсилни давом эттирса, келажаги учун яхши бўлади деб ўйлаб юрган ота-онасига Мирсаид Тошкент туризм коллежида ўқишни давом эттиришини маълум қилганда, улар ҳайрон бўлди. Ахир пойтахти азимда миллий ҳунармандчилик ёки дизайн йўналишидаги бир қанча коллежлар фаолият юритади. Шунда ёш наққош: агарда миллий ҳунармандчиликни туризм билан боғлиқ ҳолда олиб борса, юртига кўпроқ наф келтиришини уйдагиларига исботлаб берди.

– Ҳозирда рус, инглиз ва корейс тилларида сўзлаша оламан, – дейди Мирсаид Ғаниев. – Маҳсулотларимга харидор бўлган исталган ҳорижлик билан бемалол тиллашаман. Ҳаттоки уларга ҳунар ўргатишим ҳам мумкин. Ахир тил билган инсон, юртини дунёга тезроқ танита олади.

Тиниб-тинчимас Мирсаид коллежда ташкил этган ўймакорлик тўгарагида ўнлаб тенгдошларига нақш чизиш сирларини ўргатмоқда. Шунақанги буюмлар ясашадики, қараб тўймайсиз. Музейга қўйгудек.

Жорий йилда пойтахтимизда бўлиб ўтган "Ташаббус" кўрик-танловининг туман босқичида Мирсаиднинг ишлари иккинчи ўринга лойиқ деб топилди. Ёш ҳунарманднинг келгусидаги режалари бисёр. Энг муҳими ёш бўлсада у ҳаётда ўзининг ўрнини эгаллаб бормоқда.

Ёш ҳунарманд фаолиятига назар солиб, инсон учун энг муҳим нарсалардан бири ҳунар эгалламоқ эканига яна бир карра амин бўлдим. Дарҳақиқат, ҳар қандай нарсанинг моҳиятини англаш, жаҳондаги воқеаларнинг яхши-ёмон томонини билиб олиш, одамларнинг қадру қимматини тўғри тушуниш, оиланинг фаровон яшашини тўғри ташкил қилиш, қисқаси, ҳар томонлама мукаммал инсон бўлиш учун илм ва ҳунар ўрганиш зарурий эҳтиёждир.

Ҳар кимнинг зари бўлмаса-да, аммо ҳунари бўлса, дунёда ҳеч бир қийинчилик чекмайди. Донолар дейди: Олтин топмагину ўргангин ҳунар, Ҳунаринг олдида хасдир олтин-зар.

Зиёда ВОҲИДОВА

ЯНГИ БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ ОЧИЛДИ

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Чилонзор туман Кенгаши ташаббуси билан Республика шошилинч тез тиббий ёрдам кўрсатиш марказида Ҳаракат бошланғич ташкилотининг таъсис йиғилиши ўтказилди.

Тадбир тумандаги корхона, муассаса ва ташкилотларда фаолият юритаётган ёшларни мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш жараёнларига кенгроқ жалб қилиш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, йигит-қизларнинг маънавий, маърифий ва интеллектуал даражаларини юксалтириш, ижодий салоҳиятларини рўёбга чиқариш ва интилишларини қўллаб-қувватлаш ҳамда туманда Ҳаракат фаолияти кўламини янада кенгайтириш мақсадида ташкил этилди.

Йиғилишда сўзга чиққан Республика шошилинч тез тиббий ёрдам кўрсатиш маркази касаба уюшмаси қўмитаси раиси Жалолиддин Нуриддинов, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Чилонзор туман Кенгаши раиси Баҳодир Зиёвиддинов ва бошқалар бугунги кунда мамлакатимизда иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, жамиятда муносиб ўринларини топишлари йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганлиги, жумладан тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бераётганини таъкидлаб ўтишди.

Бугунги кунда Республика шошилинч тез тиббий ёрдам кўрсатиш маркази тизимида 120 дан ортиқ 30 ёшгача бўлган ёшлар фаолият олиб бормоқда. Шунингдек, йиғилиш давомида Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Дастури ва Уставини чуқур ўрганиб чиқиб, корхона, ташкилот ва муассасанинг бир гуруҳ ёшлари томонидан мазкур Ҳаракат аъзолари сафига ўз ихтиёри билан кириш истаги билдирилди.

Ҳаракатнинг туман Кенгаши раиси ўз нутқи якунида Республика шошилинч тез тиббий ёрдам кўрсатиш маркази тизимида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилотини ташкил этиш таклифи билан ёшларга мурожаат этди. Кўп сонли ёшлар ҳамда агентлик раҳбариятининг хулосалари асосида тизимда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилотини ташкил этиш таклифи маъқулланди.

Йиғилиш давомида Республика шошилинч тез тиббий ёрдам кўрсатиш маркази "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Бошланғич ташкилоти етакчилигига олий маълумотли, Тошкент Тиббиёт академиясини тамомлаган, Республика шошилинч илмий маркази катталар қабул бўлими шошилинч жарроҳлик шифокори Бахтиёр Алиев номзоди таклиф этилди. Номзод ўз нутқида муассаса тизимида ёшларни бирлаштириш ва уларга меҳнат фаолияти давомида қулайликлар яратиш мақсадида амалга оширилиши режалаштирилган ишлари юзасидан фикрларини билдириб ўтди.

Таъсис йиғилиши иштирокчилари номзодга ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат этишди. Шундан сўнг Таъсис йиғилиш раиси томонидан номзод овозга қўйилди. Очиқ овоз бериш йўли билан Бахтиёр Алиев марказнинг "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Бошланғич ташкилоти етакчиси этиб сайланди.

Зарина РУСТАМОВА

Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган анжуман "Истиқлол йилларида қишлоқ хўжалик техникаларини эҳтиёт қисмлар ва моддий техник ресурслар билан узлуксиз таъминлаш, техникаларни таъмирлаш ҳамда сервис хизматлари кўрсатиш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар, эришилган ютуқлар ва натижалар" мавзусига бағишланди.

СЕРВИС ХИЗМАТИ ЯХШИЛАНАДИ

Бугунги кунда "Ўзагромашсервис" уюшмаси тизимида 13 та ҳудудий машина-трактор бирлашмалари, 174 та туман машина-трактор парки филиаллари, 5 та республика ва 6 та вилоят миқёсидаги таъминот корхоналари, 9 та қишлоқ хўжалиги техникаларини таъмирлаш ва саноат ишлаб чиқариш корхоналари, 2 та автотранспорт корхоналари, 3 та қўшма корхона фаолият кўрсатиб келмоқда. Ушбу корхона ва ташкилотларда 4131 нафардан ортиқ ишчи-хизматчи ва ходимлар меҳнат қилади.

"Ўзагромашсервис" уюшмаси раиси ўринбосари Ҳикматилла Ишмуратовнинг таъкидлашича, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда йилдан-йилга қишлоқ хўжалик техникалари сони ортиб бориши муносабати билан уларни туман МТП лари ва "Агротехсервис МТП" МЧЖ лар томонидан ўз вақтида сифатли қилиб таъмирлаш ва замонавий сервис хизматларини кўрсатишга бўлган талаб ортиб бормоқда. Бунинг яққол мисоли, ушбу қишлоқ хўжалиги техникаларини таъмирлаш ва сервис хизматларини кўрсатиш ҳажмининг йилдан-йилга ўсиб боришида кўринади.

Айни пайтда "Ўзагромашсервис" уюшмаси тизимидаги корхоналар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар учун техник, сервис ва механизация хизматлари кўрсатувчи асосий ташкилотлардан бири ҳисобланиб, республикамиздаги ҳайдаладиган ер майдонларининг 30-35 фоизи ва етиштирилаётган ғалла ҳосилининг 50-55 фоизини ўриб бериш машина-трактор парклари ҳисобидаги техникалар ёрдамида бажарилмоқда.

Уюшма тизимида 9 та таъмирлаш ва саноат ишлаб чиқариш корхоналари мавжуд бўлиб, улар томонидан 2014 йилда ишлаб чиқариш ҳажми 37, 4 млрд. сўмни, 2015 йилда 43,6 млрд. сўмни, 2016 йилнинг 7 ойида 39,6 млрд. сўмни ташкил этиб, йил якунига қадар ушбу кўрсаткич 56,9 млрд. сўмни ташкил этиши кутилмоқда.

Ҳозирги кунда "Ўзагромашсервис" уюшмаси тизимидаги корхоналар томонидан йил охирига қадар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар учун механизация ва техник сервис хизматлари кўрсатишни режадан ошириш бўйича тегишли ишлар олиб борилмоқда.

З. ШАРИФЖОНОВ

ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯНИНГ УЗЛУКСИЗЛИГИ

Мусиқа санъати нафақат ўқувчиларда у ёки бу сифатни шакллантириш воситаси, балки, умуман ўзбек халқининг турмуш тарзига сингиб кетганлиги барчамизга яхши маълум.

Шунинг учун ҳам унинг тарбиявий имкониятларидан оқилона фойдаланиш муҳим педагогик жиҳат бўлганлиги боис мазмунига ҳам муайян талаблар қўйилади. Шу сабабли Республикамиздаги ҳар бир мактабда, мактабдан ташқари таълим муассасаларида, маданият коллежларида, санъат йўналишидаги барча таълим муассасаларида ҳозирги кунда мусиқий-эстетик тарбияга педагогиканинг шахсни шакллантирувчи энг муҳим омили сифатида қаралмоқда. Бу муассасаларнинг асосий мақсади ёшларни санъатга жалб қилиш, миллий қадриятларимизни қадрлашга ўргатиш ва уларда мусиқий қобилиятни ривожлантиришдан иборат.

Мактабдан ташқари таълим муассасаларидаги "Хор", "Чолғучилар", "Мақом" тўгараклари "Мусиқа маданияти" ўқув предметининг мантиқий давоми, чуқурлаштирилган таълим шакли ҳисобланади. Шунинг учун тўгарак хоналарини замонавий техника билан жиҳозлаш, чолғу асбоблари ва ўқитиш воситалари билан таъминлаш, дастур ва услубий қўлланмалар билан бойитиш лозим бўлади. Мазкур йўналишдаги ишлар самарадорлигини таъминлаш учун ўсмирларни мусиқий тўгаракларга жалб этиш бўйича тарғибот ишларини йўлга қўйиш мақсадида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш, мактабларда тўгарак қатнашчилари иштирокидаги концертлар, учрашувлар ташкил қилиш, тўгарак раҳбарининг мактаб билан узвий алоқасини ўрнатиш зарур.

Тўгаракларда олиб бориладиган барча ишлар фақат тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб қолмасдан, балки ёшларга таълим беришни ҳам кўзда тутади. Бу даставвал, ўқувчиларнинг мактабда олган билимларини мустаҳкамлаш ва янада такомиллаштириш, уларнинг барча фанларга бўлган қизиқишларини орттириш, янги билим, кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш каби фаолиятларида намоён бўлади. Тўгарак машғулотларининг мазмунини аниқлаш, унинг педагогик ва услубий самарадорлигини оширишда миллий ғоя, миллий мафкура, миллий мерос, миллий санъат тушунчаларига асосланиш лозим.

Ўқувчиларнинг қобилиятини ва иқтидорини ҳар жиҳатдан намоён этиш, миллий ва умуминсоний идеаллар ва қадриятлар ҳамда педагогик омилларнинг устуворлигини таъминлаш, шахс, жамият ва атроф-муҳитнинг ўзаро муносабатларида уйғунликка эришув, ўқувчи ва ўқитувчи ўртасидаги муносабатни, анъанавий "устоз-шогирд" ўзаро муносабатларига хос чуқур инсоний эҳтиромли асосларга олиб чиқиш – таълимни инсонпарварлаштиришнинг бош йўналиши бўлиб, таълим жараёни субъектларнинг ўзаро тушунишини ва ҳамкорлигини таъминлайди.

Тўгарак раҳбари ўз иш фаолияти давомида таълимнинг узлуксизлигини таъминлашга асосий эътиборни қаратиши лозим. Ўз йўналиши бўйича мактабгача ва мактаб таълим-тарбия жараёни мазмунини тўла ўрганиб чиқиши ва шунга асосланган ҳолда машғулотларни ташкиллаштириши муҳим. Шундагина ўқувчилар таълимнинг узлуксизлигига тортилади, миллий анъаналарнинг энг яхшилари билан жаҳон маданият бойликлари билан танишади. Кўпгина ривожланган мамлакатларда таълим-тарбия ишларини такомиллаштиришга ижодий ёндашилганлиги, бу борада назарий ақидалар доираси билан чекланмай, амалий самара масаласи биринчи ўринга қўйилганлиги ҳаммамизга маълум. Лекин бу мамлакатларнинг тажрибаси қанчалик яхши бўлмасин, биз уларни кўр-кўрона ўз воқелигимизга татбиқ эта олмаймиз. Таълим-тарбиянинг ҳар қандай замонавий усуллари ахлоқ, одоб, турмуш тарзи, миллий анъаналаримиз, қадриятларимиз билан боғлангангина ижобий самара беради.

Исломжон НИЁЗОВ

Реклама ўрнида

IPOTEKA BANK

Бугунги кунда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга муҳим устувор вазифалардан бири сифатида қаратилаётгани барчамизга яхши маълум. Боиси, ҳозирда иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларга ҳамоҳанг тарзда, экспортбоп маҳсулот тайёрлайдиган, илғор технология базаси билан жиҳозланган замонавий корхоналар барпо этиб, ички бозорни сифатли товарлар ва хизматлар билан тўлдиришда ҳам айнан шу соҳа вакилларининг улуши салмоқлидир.

ИПОТЕКА-БАНК: ЯҚИН КЎМАКЧИ, ИШОНЧЛИ ҲАМКОР



Бу жараёнларнинг изчил ривожланишида "Ипотека банк" АТИБнинг ҳам ҳиссаси катта. Бугунги кунда мазкур банк томонидан қарийб 4 мингга яқин кичик бизнес субъектларига хизмат кўрсатилмоқда. Жорий йилнинг 1 август ҳолатига кўра, кичик бизнес вакилларига 670 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилиб, беш мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Тадбиркорлар орасида банкнинг ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, қурилиш соҳаларини ривожлантириш учун йўналтириладиган микрокредитларига талаб юқори. Шуни инобатга олган ҳолда жорий йилнинг август ойига қадар қарийб 151,4 млрд. сўмлик микрокредитлар ажратилди. Жумладан, хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга 75,7 млрд. сўм, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун 122,2 млрд. сўм, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликка салкам 8,5 млрд. сўм, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг лойиҳаларини рўёбга чиқаришга 14,3 млрд. сўм, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарга 92,9 млрд. сўм, ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришга 170,6 млрд. сўм, ёш оилалар учун эса 9,5 млрд. сўм маблағлар йўналтирилди.

Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни ривожлантириш, иқтисодиётнинг реал секторига замонавий технологияларни киритиш ҳамда янги иш ўринлари яратиш мақсадида банк томонидан инвестиция лойиҳаларини кредитлашни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йилнинг август ойига қадар банк томонидан 426,4 млрд. сўмлик инвестициявий кредитлар ажратилган. Сармоялар асосан инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар ижроси учун йўналтирилаётган бўлиб, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш орқали иқтисодиёт ривожига хизмат қилмоқда.

Бугунги давр ҳар бир соҳада янгиликларни талаб этади. Зеро, янгиликларсиз муваффақиятга эришиб бўлмайди. Шуни инобатга олиб, банк жамоаси аҳолига қатор замонавий хизматларни тақдим этмоқда. Банк томонидан жисмоний шахсларнинг миллий ва хорижий валютадаги маблағларини депозитларга жалб қилиш, уларга истеъмол ва ипотека кредитлари бериш, пластик карточкалар орқали хизмат кўрсатиш каби юздан зиёд турдаги хизматлар тақдим этилаётгани банкнинг давр билан ҳамоҳанглигидан далолат беради.

Банк ва мижоз ўртасидаги алоқаларнинг мустаҳкамланиши кўрсатилаётган хизматларга бевосита боғлиқдир. Мижозлар учун қулай ва манфаатли омонат турларининг жорий қилинаётгани ва уларнинг қайтарилиши ўз вақтида амалга оширилаётгани аҳолининг банкга бўлган ишончини мустаҳкамламоқда. Буни йил бошидан буён қабул қилинган омонатлар миқдори 96,7 млрд. сўмга етганининг ўзи ҳам исботлаб турибди.

